

ТАҲЛИЛ

ЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИ: ИМКОНИАТЛАР ЭШИГИ ОЧИЛМОҚДА

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 сентябрь куни БМТ Бош ассамблеясининг 78-сессияси доирасида Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) бош директори Нгози Окунжон-Ивеала билан учрашиб, Ўзбекистоннинг қисқа вақт ичида ушбу нуфузли ташкилотга аъзо бўлиши бўйича кўрилатган чора-тадбирларни атрофлича муҳокама қилган эди. Ўз навбатида, ЖСТ бош директори ҳам давлатимиз томонидан бу ташкилотга аъзо бўлиш борасида кўрилатган чораларни юқори баҳолагани бежиз эмас.

Хўш, ЖСТга аъзолик биз учун қандай имконият ва имтиёзлар беради? Бу ташкилот сафига интилиш нега бир муддат тўхтаб қолди? Кейинги етти йилда изчил ислохотлар жараёни тезлашар экан, бу ташкилотга тўлақонли аъзо бўлиш Янги Ўзбекистон учун тараққиёт босқичларида ўзига хос зинапоя вазифасини ўташи муқаррар эканлиги тобора аён бўлиб бормоқда.

Янги Ўзбекистонда изчил амалга оширилаётган ислохотлар натижасида иқтисодийимиз барқарор ўсиш суръатларини намоян этмоқда. Сўнги олти йилда янги ички маҳсулот ҳажми бир ярим мартадан ортиқ кўпайди. Бизнинг бош мақсадимиз – 2030 йилга қадар бу кўрсаткични яна 2 баробарга ошириш ҳисобланади. Иқтисодийимизни либераллаштириш йўлидаги яна бир устувор вазифа эса тез фурсатда Жаҳон савдо ташкилотига тўлақонли аъзо бўлишдир.

ОЧИҚ ВА КОНСТРУКТИВ МУЛОҚОТЛАР

Бир жиҳат борки, маҳсулотларимизни қўшимча қийматдан ҳимоя қилиш ва уларнинг бошқа бозорларга тўсиқсиз киришини таъминлаш мақсадида Жаҳон савдо ташкилотига Ўзбекистон учун мақбул бўлган шароитларда аъзо бўлиш муҳим жараён ҳисобланади. Шу боис ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши бўйича ЖСТ Котибияти билан фаол мулоқот олиб бориляпти.

Жараёнда ЖСТ Котибияти, БМТТД, ЮНКТАД/ЖСТ Халқаро савдо маркази, ЮСАИД, Корея халқаро иқтисодий сиёсат институти, Германия халқаро ҳамкорлик жамияти, Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги ҳамда хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари иштирок этаётгани Ўзбекистон бу йўлда қандай жиддий қадамлар қўяётганини кўрсатади.

Ўтказилган музокаралар жараёни натижасида бугунги кунда Ўзбекистон Европа Иттифоқи умумлаштирилган имтиёзлар тизимининг "GSP+" бенефициар

мақомини олди. Бу ўзбек ишлаб чиқарувчиларининг мато, кийим-кечак ва пластмассадан тайёрланган буюмлар каби 6 200 дан ортиқ турдаги маҳсулотларини Европа бозорларига экспорт қилиш имкониятини беради. Ўзбекистоннинг "GSP+" дастурига қўшилиши натижасида Европа Иттифоқи мамлакатларига экспорт ҳажми ҳозирги 87 млн доллардан 3 млрд долларгача оширилади, шу жумладан тайёр кийим ва трикотаж маҳсулотларини экспорт қилиш кўрсаткичи 42 млн доллардан 1,2 млрд долларгача, мева ва сабзавотлар экс-

институти, Халқаро савдо палатаси ва бошқалар билан фаол конструктив мулоқотлар ўрнатилди. Бугунги кунда Ўзбекистон 47 давлат билан энг қулай давлат режимини таъминловчи савдо шартномаларини имзолаган. Шунингдек, 49 давлат билан икки томонлама сармоявий шартномалар имзолаган. Мамлакатимиз 2020 йилда Евроосиё иқтисодий иттифоқида кузатувчи мақомига эга бўлди ва Евроосиё тараққиёт банкига аъзо бўлишга тайёрланмоқда. Ўзбекистон ҳозирда ўн бир давлат билан эркин



порти 20 млн доллардан 900 млн долларгача, чарм ва пойабзал экспорти эса 5 млн доллардан 200 млн долларгача ва бошқа тайёр маҳсулотлар экспорти 20 млн доллардан 700 млн долларгача ошади.

Айтиш ўринлики, халқаро савдо ташкилотлари билан ҳамкорлик фақат Жаҳон савдо ташкилоти ва Европа Иттифоқи билан чегараланмайди. Жаҳон божхона ташкилоти, Халқаро хусусий ҳуқуқни бирлаштириш

савдо шартномасига эга. 2021 йил 1 ноябрь куни Ўзбекистон Буюк Британиянинг Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган 7800 дан ортиқ маҳсулотга импорт божини нолга тенглаштириш имконини берувчи Кенгайтирилган умумий имтиёзлар тизимига қўшилган биринчи давлат бўлди.

Давоми 3-саҳифада. ►►

БУГУНГИ СОНДА:



1 ОКТАБЬР – ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ



УСТОЗ БЎЛМАСА...

Жаҳон ободлиги устоз биландир,
Дилда қарор бўлмас, устоз бўлмаса.
Камолот, кушфот устоз биландир,
Ишда барор бўлмас, устоз бўлмаса.

Йўқдан олим бўлди отамиз Одам,
Ҳақдан таълим олди Сарвари олам,
Сабаб оламинда бул куни бекам
Илму анвор бўлмас, устоз бўлмаса.

Ҳар йўл, ҳар соҳанинг бир пири бўлур,
Эҳтиром дил аҳлин тадбири бўлур,
Ҳар ишда устознинг бир сири бўлур,
Кашфи асрор бўлмас, устоз бўлмаса.

Ҳикмат кўп илму фан, касбу кориди,
Деҳқон кетмонида, дорбоз дориди,
Ошпазнинг бир сири – гармдориди,
Шогирд ҳушёр бўлмас, устоз бўлмаса.

Устоз қадрин билур ҳар қалби салим,
Ҳаёт дарсларидан бергайдир таълим,
Диллар ардоғида – азиз муаллим,
Кимса сардор бўлмас, устоз бўлмаса.

Маърифат, иқтисод, санъат турлари,
Осмон эшиклари, ер унсурлари,
Устоз-ла очилгай Куръон сирлари,
Ҳадис ошкор бўлмас, устоз бўлмаса.

Пуштли, устозлидир ҳар бир синиқчи,
Беустоз муҳандис – оддий чизиқчи,
Устозсиз очилмас ҳатто қизиқчи,
Сухан тағдор бўлмас, устоз бўлмаса.

Ўзи ўсган дарахт мева бермагай,
Сурчи ўз тўйида сурнай чалмагай,
Сартарош ўз сочин ўзи қирмагай,
Уста саркор бўлмас, устоз бўлмаса.

Устоз кўрган зотлар ишга омилдир,
Заковат аҳлига бу сўз шомилдир,
Устознинг авлоси пири комилдир,
Дилда баҳор бўлмас, устоз бўлмаса.

Мирзо, ҳар кўнгилда ният бор бўлсин,
Ватан обод, эл ҳам бахтиёр бўлсин,
Покдил устозларга Тангри ёр бўлсин,
Ҳаёт гулзор бўлмас, устоз бўлмаса.

Мирзо КЕНЖАБЕК,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси



Олий
Мажлис
Қонунчилик
палатасидаги
О'зLiDeP фракцияси
аъзоси Виктор
Николаевич
ПАК Тошкент
вилоятининг
Нурафшон шаҳрида
сайловчилар
билан юзма-юз
мулоқот
ўтказди.

“ВИКТОР АКА, САЙЛОВЧИЛАР СИЗДАН РОЗИ!”

Очиғи, бу навбатдаги учрашув. Бунақа тadbирлар аввал ҳам самимий тарзда ўтган. Электротар вакиллари ҳар сафар хурсанд бўлиб кетишган. Бойси, мулоқотда кўтарилган ҳеч қайси масала эътибордан четдан қолмайди. Ё шу ернинг ўзида ечилиши, ё тегишли ташкилотларга расмий сўров киритиш орқали қисқа муддатда кўриб чиқилади.

О'зLiDePдан парламент кўйи палатасига сайланган депутатимиз ўзга миллат вакили бўлишига қарамай давлат тилида раво гапирди. Бу жиҳат сайловчиға ақинлаштирувчи дастлабки омил, десак янглишимиз. “Ассало-му алайкум” каломини чиройли талаффуз қилиб, даврага келганида унинг ўзбек эмаслигига ишониб қийин. Бундан ташқари, партиявий ғояларнинг мамлакатдаги ислохотлар йўналишига нақадар йўғунлигини оддий тилда, қизиқарли мисоллар билан тушунтири олиши ҳам Виктор акани электротарга дарров танитувчи “таширф қорғоз”ига айланган. Катта билан катта, ёш билан ёш бўлиб гаплаша олишини эса ҳамма билса керак.

Шунинг учун ҳам унинг учрашувиға баъзи бировларникиға ўхшаб маҳаллий ҳокимият аралашуви билан “одам йиғиш” шарт эмас. Сайлов округи таркибига кирувчи маҳаллаларға бир марта эълон берилса бас – масаласи бори ҳам, йўғи ҳам вақту имкониятиға қараб ўзи келаверади. Нурафшон шаҳридаги Камбағалликни қисқарттириш ва бандликка қўмақлашиш марказида ташкил этилган галдаги мулоқот ҳам шундай бўлди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Виктор Николаевич Пакнинг расмийликдан холи учрашувида “Оқила аёллар” ҳаракати фаоллари ҳамда шаҳар ҳокими ёрдамчилари ҳам бевосита қатнашди. Вақтини аямий йиғилган сайловчилар билан қизғин ўтган мулоқотда асосий эътибор мустақиллик йилларида мамлакатимиз-

нинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётида олиб борилган тизимли ислохотлар ҳамда янгиланган Конституциянинг мазмун-моҳиятиға қаратилди. Кейинги пайтда қабул қилинаётган янги қонунларнинг фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишдаги долзарб жиҳатлари хусусида сўз юритилди.

Хусусан, “Маъмурий жарималарни тўлашда аҳолиға қўшимча қўлайликлар яратилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавабгарлик тўғрисидаги кодекснинг 332-1-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида”ги, “Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тadbиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўрилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг мағзи атрофлича ёритиб берилди.

“Оқила аёллар” ҳаракатининг Нурафшон шаҳридаги фаоллари билан кечган самимий суҳбат асосида бугун юртимизда амалға оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш этиб белгилангани ҳақида аниқ маълумотлар келтирилди. Опа-сингилларимизнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги уларнинг роли ва фаоллигини ошириш, хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар қафолатларини таъминлаш бўйича сўз юритилди.

Жамиятда янги маънавий макон яратиши, маҳаллаларда оилаларни мустаҳкамлаш, маърифатли жамиятни қуришда маърифатли оналарнинг ўрнини кенг тарғиб қилиш, аёллар, айниқса, ёшларда оила ва Ватанға садоқат, фидойилик, ташаббускорлик туйғуларини сингдириш, оилавий-ҳуқуқий

муносабатлар, хотин-қизларнинг мамлакатда амалға оширилаётган ислохотларға дахлдорлик ҳиссини ошириш, уларға қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини халқчил тилда тушунтиришда “Оқила аёллар” ҳаракати фаолларининг ўз ўрни борлигини эътироф этилди.

Нурафшон шаҳар ҳокимининг ёрдамчилари билан учрашган Виктор Пак мулоқот жараёнида бугун уларға юклатилган вазифаларни ўз вақтида бажариш ҳамда халқимизни рози қилиш учун молиявий дастаклар берилганини алоҳида қайд этди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан халқни рози қилиш йўлида ижобий ишлар амалға оширилаётгани хусусида тўхталаркан, ҳоким ёрдамчилари институтининг ташкил қилингани бунинг ёрқин мисоли экани ҳақида сўзлади. Мамлакатнинг ортға қайтмас шиддатли тараққиёт йўлидан оғишмай боришда ҳоким ёрдамчилари зиммасига катта масъулият юклашини ўқтирди. Аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган муаммоларни бартараф этишда доим ёрдам беришға тайёр эканини билдирди. Ҳаммани ягона – одамларни рози қилишдек улғувор мақсад жиғлаштириши зарурлигини бот-бот таъкидлади.

Ҳоким ёрдамчилари билан кечган ўзаро қизғин мулоқот сўғида депутат уларға халқимизнинг фаровон ҳаёти йўлида камарбаста бўлишдек, олижаноб ишларида зафарларни тилади.

Биз эса Виктор Николаевичга “Ҳорманг, ҳаммаша сайловчиларингиз орасида бўлаверингиз, сиз шунча йилдан бери эл хизматидасиз, ташаккур!” деб қоламиз.

Жаҳонгир ОСТОНАҚУЛОВ,
О'зLiDeP Тошкент вилоят кенгаши депутатлик гуруҳлари билан ишлаш ва сиёсий таълим бўлими мудири



ЁХУД НЕГА ЖИЗЗАХДА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ ВАКИЛИНИНГ ҲИСБОТИ ҚОНИҚАРСИЗ ДЕБ ТОПИЛДИ?

Заминға қадалган ҳар бир ниҳолға доимий парвариш ва муҳофаза керак. Халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгашидаги О'зLiDeP депутатлик гуруҳининг навбатдаги йиғилишида халқ ноиблари айнан шу долзарб масалаға жиддий эътибор қаратиб, уни сессиясига киритишди.

Бугун экологиянинг бузилиши, атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва иқлим ўзгаришининг салбий оқибатлари барқарор ривожланиш йўлидаги ўзига хос тусиққа айланмоқда. Шу сабабли ҳам мамлакатимизда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси кенг жамоатчилик томонидан хайрихоҳлик билан кутиб олинди. Мазкур лойиҳа доирасида беш йил давомида 1 миллиард дарахт кўчатлари экиш режалаштирилган экан, унинг ижобий натижалари нафақат ҳар бир шаҳару қишлоқ, балки ҳар бир маҳаллада кўзға ташланади, деб умид қилинган эди.

Амалда-чи?

Мазкур лойиҳа бошланган кезлар бутун жамоатчиликнинг, том маънода етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган аҳолининг катта кўтаринчилиги билан дарахт экиш, кўкаламзорлаштириш ишлариға киришганини кўриб, барчамиз қувонган эдик. Айни пайтда кўпгина ҳудудларда сувсизлик ва қаровсизликдан кўриб ётган кўчатларни кўриб, юмшатиб айтганда, кўпчиликнинг кўнгли хира тортмоқда.

Халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгашидаги О'зLiDeP депутатлик гуруҳининг навбатдаги йиғилишида халқ ноиблари айнан шу долзарб масалаға жиддий эътибор қаратишди.

Йиғилишға вилоят ҳокимининг қурилиши, коммунал хўжалик, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича ўринбасари котибати мудири Баҳром Бойқўлов тақлиф қилиниб, унинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги “Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижроси бўйича амалға оширилган ишлар юзасидан ҳисоботи тинланди.

Таъкидланганидек, жорий йил баҳор мавсумида вилоят ҳудудларида 9 млн 842 минг дон дарахт кўчатлари ва бута қаламчалари экиш режалаштирилган бўлиб, мавсум давомида 10 млн 57 минг дон ниҳол экилган.

Заминға қадалган кўчатлар туман ва шаҳар экинспекторлари томонидан саноқдан ўтказилиб, тури, сони, экувчи ташкилот, сўғориш тизими, жойлашув локациялари белгиланиб, жавобгар шахс билан биргалликда далолатнома расмийлаштирилиб “Yashil makon eco” электрон платформаға киритил-

ган. Мутасадди ўз ҳисоботида яна бир талай амалға оширилаётган ишларни қайд этиб ўтди.

Унинг чиқишини диққат билан тинлаган депутатлар амалға оширилган ишларни эътироф этган ҳолда, асосий эътиборни мавжуд муаммо ва камчиликларға қаратишди. Айнан шу ўринда халқ ноибларининг мазкур масалани жиддий депутатлик назоратиға олгани маълум бўлди.

Камчиликлар эса етарлича...

Жумладан, янги қуриладиган бино ва иншоотларни лойиҳалаштиришда уларға туташ ҳудудларнинг кўкаламзорлаштириш майдонлари лойиҳа учун ажратилган ер участкалари умумий майдонининг 25 фоизидан кам бўлишиға йўл қўйилмайди, деб белгиланган бўлса-да, ушбу масалаға қурилиш ташкилотлари, лойиҳачи, пудратчи ва Давлат экспертиза маркази томонидан эътибор берилмасдан қолмоқда.

Экиладиган дарахт ва бута кўчатларининг кўкарувчанлигини таъминлаш учун сўғориш тизими мавжуд бўлмаган ерларға ҳамда ёши 5 йилдан кам бўлган кўчатларнинг экилиши тақиқланган. Бироқ олиб борилган ўринларнинг, жорий йил баҳор мавсумида Жиззах шаҳри ва деярли барча туманларда, шунингдек, Баҳмал, Шароф Рашидов, Зомин, Зафаробод туманлари ва Жиззах шаҳридаги жами 106 та корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан 110,6 минг дон кўчат сўғориш тизими мавжуд бўлмаган ерларға экилганлиги аниқланган.

“Яшил жамоат парклари”ни барпо этиш бўйича амалға оширилаётган ишлар ҳам талаб даражасида эмас. Афсуски, камчиликлар рўйхати шу билан тугамайди. Махсус техника ва механизмлар сотиб олиш, жорий йил кузги кўчат экиш бўйича туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан ишлаб чиқилган “Манзилли дастур”ни охириға етказиш, январь-февраль ойларида аномал совуқ уриши натижасида кўриб, ўсишдан тўхтаган дарахтларни олиб ташлаш ва ўрниға кузги мавсумда кўчат экиш, ҳар бир туманда янги фойдаланишға киритиладиган ерлардан камида 5 гектардан майдонни кўчатчиликка ихтисослашган хўжаликлар учун танлов асосида ажратиш, кўчат захираларини шакллантириш борасидаги ишлар ҳам кўнглидагидек эмас.

Шу сабабли вилоят ҳокимлигининг масъул мутасаддиси даврон ҳисобот қоникарсиз деб топилди. Йиғилиш давомида халқ ноиблари томонидан билдирилган бачча танқидий-таҳлилий фикрлар умумлаштирилиб, мазкур масала халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартиби муҳокамасига киритилиши тўғрисида қарор қабул қилинди.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
“XXI asr” мухбири

МУНОСАБАТ

МУСТАҲКАМ СИЁСИЙ-ДИПЛОМАТИК ПОЗИЦИЯ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 78-сессиясида сўзлаган нутқи нафақат мамлакатимиз кенг жамоатчилиги, балки халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилмоқда

Барчамизға маълумки, давлатлар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари ўртасидаги ҳамкорликнинг ўзига хос форуми сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг аҳамияти ортб бормоқда. Ушбу тузилма кўн томонлама дипломатиянинг энг мақбул воситаси янглиб глобал ҳаётимизнинг турли муносабатлариға дахлдор мураккаб масалаларини ҳал қила олади.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатини белгиловчи асосий йўналишларидан бири сифатида БМТ билан ҳамкорлик янада кенгайиб, барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсадларни рўйбға чиқариш йўлида интилиши юксак даражаға чиққанини алоҳида таъкидлаш лозим. Мазкур мустаҳкам сиёсий-дипломатик позиция давлатимиз раҳбари томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида илгари сурилган глобал ва минтақавий аҳамиятға эга ташаббусларда яна бир бор ўз ифодасини топди.

Шавкат Мирзиёев ўз нутқида ҳамжиҳатлик ва амалий ҳамкорлик руҳини сақлаш, умумий манфаатларни мавжуд эидиятлардан юқори кўйган ҳолда мамлакатларни жиғ-

лаштириш зарурлигини қайд этди.

– Биз ўтган йили умумий хавфсизлик ва тараққиётға қаратилган “Самарқанд бирдамлик ташаббуси”ни илгари сурдик, – деди давлатимиз раҳбари жумладан. – Асосий мақсадимиз мамлакатларимиз ва халқларимизнинг бугунги кун ва истиқболи учун масъулиятни ҳар томонлама чуқур англаш, очик ва конструктив ҳамкорликка тайёр барча томонларни глобал мулоқотға жалб қилишдан иборат.

Президентимиз иқтисодиётни либераллаштириш йўлидаги яна бир устувор вазиға – яқин орада Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш тўғрисида гапириб, БМТ Бош котиби томонидан илгари сурилган “Иш ўринларини яратиш ва ижтимоий ҳимоя глобал акселератори” борасидаги ташаббусни қўллаб-қувватлашини маълум қилди. Мазкур ташаббус доирасида тажриба алмашиш учун 2024 йили БМТ шафелигида “Ижтимоий ҳимоя: барқарор тараққиёт сари йўл” бутунжаҳон конференциясини юртимизда ўтказишни таклиф этди.

Жуда чуқур таҳлилға асосланган нутқда “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти–Хотин-қизлар” тузилмаси билан ҳамкорлики янада кенгайтиришдан Ўзбекистоннинг манфаатдорлигиға эътибор қаратилиб, биргалликдаги ташаббус сифатида аёлларнинг бунёдкорлик

салоҳиятини рўйбға чиқариш масалаларини муҳокама қилиш ва тажриба алмашиш учун келгуси йили мамлакатимизда Осие хотин-қизлар форумини ўтказиш таклифи илгари сурилди. Ўзбекистон бундан буён ҳам Марказий Осиеда яхши қўшничилик, барқарорлик, ўзаро ҳамкорлик ва ривожланиш муҳитини мустаҳкамлаш йўлидан қатъий бориши қайд этилди.

Шу ўринда яна бир жиҳатни назардан қочирмаслик жоиз. У ҳам бўлса, инсоният ўз тараққиёт йўлининг туб бурилиш даврини бошидан кечираётгани, халқаро муносабатларнинг табиати кескин ўзгараётгани билан боғлиқ жараёнлардир. Яъни, бугунги кунда бутун дунёда тинчлик, хавфсизлик ва барқарор тараққиётға трансмилий таҳдидлар тобора фаоллашаётганини, иқлим шиддат билан ўзгараётгани ва оммавий миграция оқими кучаётганини ҳеч ким инкор қила олмайди.

Ўзбекистон етакчиси юксак минбарда бу масалалар бўйича ўз нуқтаи назарини очик баён этди. Жаҳон миқёсида динлараро бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик ғояларини кенг тарғиб қилиш мақсадида Ўзбекистонда ЮНЕСКО шафелигида Динлараро мулоқот ва бағрикенглик халқаро марказини ташкил этишни таклиф қилди. Буюк олимларнинг бой меросини ўрганиш, исломнинг асл инсонпар-

варлик моҳиятини чуқур очиб бериш мақсадида 2024 йил Ўзбекистонда “Ислом – тинчлик ва эзгулик дини” мавзусида халқаро конференция ўтказиш ташаббусини илгари сурди.

Давлатимиз раҳбари БМТнинг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳида туриб, барча сиёсатчиларни Афғонистон муаммосини ҳал этиш йўлида бирлашишға ва бу борада БМТ раҳнамолигида Афғонистон бўйича биргалликда ишлаб чиқилган, вазиятға мослашувчан ва конструктив позицияни белгилашға чақирди.

Мухтасар айтганда, Президентимизнинг нутқи сессия иштирокчилари томонидан илиқ кутиб олинганининг ўзи Ўзбекистоннинг катта ютуғи бўлди. Бу эса мамлакатимизда амалға оширилаётган ортға қайтмас ислохотлар дастури жаҳонда қўллаб-қувватланаётгани, долзарб глобал ва минтақавий муаммоларға ечим топиш борасида илгари сурилган ташаббус ва тақлифлар муҳим аҳамиятға эга эканлигининг амалий тасдиғидир.



Дилром ХУДАЙБЕРГЕНОВА,
Халқ депутатлари Беруний туман кенгашидаги О'зLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси

“ЭМАС ОСОН БУ МАЙДОН ИЧРА ТУРМОҚ...”

О‘zLiDeP ўз ўрни, ўз сўзига эга кучга айланди

Мустақилликнинг илк йилларида мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг деярли саксон фоизини пахтадан олинган даромад ташкил қиларди. Саноат тизимининг тўла ишдан чиққани, таъминотдаги узилишлар сабаб иқтисодимиз оқсаятган даврда тамомила мустақил саноатни яратиб илк тадбиркорлар елкасига туидики, ана шу инсонлар сафидан борлигимдан фахрланаман.

Авалло, ўша даврда муқаддам амалда бўлган умуммулк ўрнига хусусий мулкнинг пайдо бўлиши янги, ўзбекона саноат тамал тошини қўйишда муҳим аҳамият касб этганини алоҳида қайд қилиш керак. Ҳатто оддий миҳ ишлаб чиқарилмаган, рўзғор буюмларидан тортиб, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш учун зарур усуналар четдан келтирилган. Хоразмда энгил автомобиллар ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилгани юқорида айтмоқчи бўлганим – саноат тараққиёти қисқа даврда босиб ўтган, эришган ютуқларимизни кўрсатади. Булар ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ, албатта. Каттаю кичик бўлсин, биного пойдевор қўйилади, токи мустақам бўлсин!

Юртимизда тадбиркорлар қатлами шаклланиши асосида уларнинг манфаатларини ҳимоя қиладиغان, эмин-эркин фаолият юритишлари учун шарт-шароитлар яратиб берилган, буларни кафолатлайдиган қонунлар ишлаб чиқиш ва ижросини назорат қиладиган сиёсий партия зарурлигини вақтнинг ўзи кўрсатди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясини айнан ана шундай ҳаётий зарурият ва талаблар сиёсий майдонга олиб чиқди деб ҳисоблайман. Ушбу партияни тузиш ташаббускорлари орасида бўлганимни умримнинг мазмуни, деб биламан. Қувончлиси, янги партиянинг оддий аъзоси бўлган мен каби бир тадбиркор аёлга сайловчиларнинг юксак ишонч билдириб, кетма-кет уч марта Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати қилиб сайлангани, парламентда тараққиётимиз мезонларини белгилайдиган юзлаб қонунлар қабул қилинишида иштирок этганим, кўп йиллик ҳаётим ва иш тажрибамдан келиб чиқиб, тақлифларимни билдирганим



Клара ЖУМАМУРОВА,
“Феруз-Хоразм” тивувчилик акциядорлик
жамияти бошқаруви раиси

ва уларнинг аксари янги қонунларда ўз аксини топгани аслида партияимизнинг ўрни ва нуфузини белгилаб берганини исботлайди. Депутатлик даврида парламент ҳузурдаги саноат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитаси аъзоси сифатида фаолият юритганман. Биргина мисол келтирай. Ўша даврда парламентда Солиқ кодекси икки марта янги таҳрир остида қабул қилинди. Давлат фазнасини мустақамлайдиган ва шу билан бирга, тадбиркорлар учун манфаатли бўлган қонунлар акс этган ушбу кодекс бугунги кунда муқаммал ишляпти.

Шу баҳонада қисқасига ўз меҳнат

фаолиятим хусусида ҳам тўхталмоғим жоиз. Дастлаб қурилиш ташкилотига оддий ишчи бўлиб ишлаганман. Тошкент тўқимачилик ва энгил саноати институтида тахсил олгач, вилоятдаги тивувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлим бошлиғи, бош муҳандис, сифат бўйича директор ўринбосари вазифаларида ишладим. 1996 йилда корхонамиз банкротлик бўсағасига келиб қолганди. Айни шу даврда катта жамоа мени бошқарув раиси вазифасига лойиқ кўришди. Ўша вақтда жамоада кўплаб хотин-қизлар ишларди. Тўхтаб қолган корхонани қайта ишга тушириш осон кечмади. Йигир-



мага яқин ходимлар ҳатто олти ойлаб маошсиз ишлаганимиз. Ўша вақтларда банклар энг ками йиллик 50 фоиз кредит берарди, тендерлар эса ёпиқ ўтказиларди. Корхонани юритиш учун уч кунлаб вазирликлар оstonаларида сарсон бўлганим, ҳатто чет элларга чиқиб, усуналар келтириш, маҳсулотларни сотиш учун бозор топиш машаққатли эдики, буни ўзим бошимдан кечирганим учун айтаёйман. Энг ачинарлиси, идора-ташкilotлар раҳбарлари тадбиркорларга ўғай кўз билан қарашар, сенинг муаммоингни эшитадиган одам йўқ эди. Бозор муносабатларини тартибга солувчи қонунлар йўқлигидан неча мартаб қарзларни ундиролмай сарсон бўлганмиз.

Ҳеч эсимдан чиқмайди: бир кун чет эл сафаридан умидсиз қайтиб, уйга кирсам, телевизорда Биринчи Президентимизнинг тадбиркорлар билан учрашуви кўрсатилаётган экан. Унда менинг тақдирдош ҳамкасбларим айтган муаммолар менга яхши таниш эди. Шу боис, жон қулоғим билан эшитдим ва эртасига пойтахтга йўлга чиқдим. Эндигина тузилаётган партиянинг ташаббускор гуруҳи раҳбари Қобилжон Тошматовга учрашдим ва бу сиёсий куч сафига биринчилардан бўлиб аъзо бўлишимни ва бизнинг Хоразм вилоятида ҳам бундай хайрли ишга бош-қош бўладиган тадбиркорлар кўпчилигини айтдим. Орадан кўп вақт ўтмади, улкан электоратга эга бўлган янги партиянинг илк таъсис съезида қатнашдим.

О‘zLiDeP ташкил этилганининг йигирма йиллиги арафасида партиянинг вилоят кенгаши ташкил

қилишда фидойилик кўрсатган инсонлардан Болтабой Кўрёзов, Бахтиёр Менглиев, Фафур Жуманиёзов, Шавкат Раззоқов, Гавҳаржон Ибодуллаева номини алоҳида тилга олгим келади. Катта сиёсий тажрибга эга бўлганликлари учун улар вилоят, туман кенгашларини тузиш, аъзолар қабул қилишда сидқидилдан ишларди. Ҳозир ҳам ўзимнинг қадрдон партия билан биргаман. Вилоят кенгашимиз раиси, халқпарвар инсон Исломжон Файзуллаев билан бамаसाҳат қандай тадбир, мулоқотлар бўлса қатнашиб, ҳар доим фаол бўлишга ҳаракат қиламан.

Энди бевосита ўзим раҳбарлик қилаётган жамият фаолиятига келадиган бўлсак, бу бирлашма айнан хусусий мулкчилик сиёсати ўлароқ, “Феруз-Хоразм” тивувчилик акциядорлик жамиятига айланганлиги. Муқаддам четдан келтирилган турли русум ва бичимдаги эркак ва аёллар кийим-кечақларини шу ерда тикиш ва савдога чиқаришни йўлга қўйдик. Ўзимиз етиштирадиган пахта ва ундан олинган толадан тайёрланадиган кийим-кечақлар сифати ва арзонлиги сабаб аввалдан харидор-гир бўлгани сир эмас.

Бугун ҳеч иккиланмай айтишимиз мумкин, мамлакатимизда ислохотларнинг ўзига хос янги босқичи 2017 йилдан бошланган эди ва бу ўзгаришлар халқимиз орасида янги-янги мазмун ва моҳият касб этди. Эндигина имкони бор, салоҳияти ва маблағи етарли тадбиркорлар энгил ва оғир саноат, қурилиш соҳалари қаторида таълим тизими ривожини –

келгуси авлодлар тарбиясига ҳисса қўшишдек савоб ишларга ҳам бош-қош бўлишяпти. Мана, масалан, биз ўтган даврда корхонамиз ҳудудидаги бўш ётган майдонда давлат-хусусий шериклик асосида 120 ўринли мактабгача таълим ташкилотини қуриб, ишга туширдик. Бу ерда корхонамиз ишчи-хизматчиларидан ташқари кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари ҳам тарбияланмоқда. Эҳтиёж охири борини эътиборга олган ҳолда, яна қўшимча олтимиз бола-ни қабул қилиш учун янги лойиҳани амалга оширдик. Бундан ташқари, 100 ўринли бошланғич синфлар мактаби қуриб, ўқувчиларга пухта билим беришдек савоб ишга амалга оширишни ҳам режалаштирганмиз.

Шунингдек, корхонамизда Мудофаа вазирлиги буюртмасига асосан, чегара қўшинлари аскарлари учун ҳарбий либослар ҳамда эллик турдан ортиқ трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётган. Бирлашмаимизнинг ўз савдо дўконлари фаолият юритмоқда.

Балки 20 йил кимлар учундир жуда қисқа фурсат бўлиб туялар. Лекин катта сиёсий майдонда ўз дастури, режалари, истиқболли лойиҳалари билан ўз электорати ва сайловчилар ишончини қозониш, мамлакат тараққиёти, халқ фаровонлигини таъминлаш йўлида қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш, қабул қилишда ташаббускор бўлишдек масъулиятли вазифаларни шараф билан адо этаётган партияимизга фақат омад ва муваффақият-ғалабалар ҳамроҳ бўлаверсин!

ЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИ: ИМКОНИАТЛАР ЭШИГИ ОЧИЛМОҚДА

◀◀Бошланиш 1-саҳифада.

ЎРТА ВА УЗОҚ МУДДАТЛИ РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИ

Хабарингиз бор, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида барқарор иқтисодий ўсиш орқали даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин олиш ва келгуси уч йилда тайёр маҳсулот экспортини 2 баравар ошириш мақсади белгилаб олинган. Бу жараёнда дунёнинг 164 та давлати билан савдо тизимини йўлга қўйиш ва барқарор бозорларни яратиш имконини берувчи Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, ҳозирги вақтда бу ташкилотга аъзо бўлиш жараёнини самарали яқунига етказиш бўйича тизимли ишлар ва аъзо давлатлар билан бозорларга кириш бўйича маълум музокаралар олиб борилаётган. Бу йўлда йилга камида 10 та хорижий давлат билан бозорга кириш музокараларини яқунлаш мақсад қилинган. Миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини Жаҳон савдо ташкилотининг қонда, меъёри ва битимларига мослаштириш ҳаракатлари кечмоқда.

Мулоқотларнинг ҳозирги босқичини кузатиб, шуни айтиш мумкинки, ҳозирги жараён аъзоликка эришиш учун энг фаол босқичга кирганини кўрсатяпти. Бу Ўзбекистоннинг мазкур нуфузли ташкилотга аъзо бўлиш бўйича тарихдаги энг узоқ давом этган музокаралардан сўнг жуда муҳим қадам бўлди. Биламизки, 1994 йил декабрь ойидан бошланган ҳамкорлик алоқалари ниҳоясига етиш арафасида турибди. Шу ўринда бунча узоқ муддатли жараён нега вужудга келди, деган савол туғилади. Буни интервенционистик иқтисодий ривожланиш стратегияси билан боғлаш мумкин. 2016 йилдан бошланган иқтисодий ислохотлар ва жонланиш эса ташқи сиёсатимизга ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди.

Эътироф этиш керакки, ташқи савдода сўнгги олти йил ичида қатъий қадамлар қўйилди. Хусусан, 2019 йилда солиқ соҳасида фаол ўзгаришлар бошланди, шу билан бирга бизнес юритиш учун маъмурий харажатлар камайиб борди, божхона ва тариф процедураларини соддалаштириш йўналишида сезиларли ўзгаришлар юз берди. Кўрил-

ган чора-тадбирлар ташқи савдони амалга ошириш имкониятини сезиларли даражада осонлаштирди. Ҳукумат ва тадбиркорлар томонидан янги ташқи бозорларини биргалликда излаш тизимининг йўлга қўйилиши ҳам ўз самарасини берди. Шундай қилиб, 2019–2022 йилларда мамлакатимиз экспорти йилига ўртача 12 фоиздан ўсиб борди. Экспорт қилувчи корхоналар фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташқи савдо жараёнини соддалаштириш бўйича бир қатор тўб ўзгаришлар амалга оширилди ва 60 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2017–2022 йилларда республиканинг умумий экспорти 96,3 млрд долларни ташкил этди. Масалан 2022 йилда республика экспорти 19,2 млрд долларни ташкил этиб, бу 2016 йилга нисбатан экспорт кўрсаткичининг деярли 59 фоизга ошганлигини кўрсатиб турибди.

Мис ва мис маҳсулотлари экспортининг ўсиши 2,8 бараварга (704 млн долларга), транспорт воситалариники 10 бараварга (416 млн долларга), маиший техниканики эса 4,6 бараварга (180 млн долларга), озиқ-овқат маҳсулотлари ва унинг экспорти 21 бараварга (343 млн долларга) ошди.

Экспортнинг ўсишига юқори қўшимча қийматга эга саноат маҳсулотлари ҳажмининг 169 фоизга ошиши, шунингдек, пахта толаси экспортининг кескин пасайиши ва уни қайта ишлаш даражасининг ошиши ҳисобига эришилди. Бундан ташқари, тивув ва трикотаж маҳсулотлари экспорти икки бараварга ёки деярли 1 млрд долларга ошди.

Албатта, бу улкан режани амалга оширишда олдимизда жуда катта вазифалар турибди. Шулардан бири — ресурслар экспортига қарамлиқни диверсификацияланган рақобатбардор иқтисодиёт билан алмаштириш ҳисобланади. Бу йўналишда амалга оширилган ишлар натижасида хомашё экспорти деярли 30 фоизга ёки 1 млрд долларга камайди.

ЎЗБЕКИСТОН ЖСТГА АЪЗО БЎЛСА, ФАҚАТ ЮТАДИ

Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш қабул қилинган жаҳон савдо қонунчилигига риоя қилиш мажбуриятини билдирди ва мамлакат ташқи бозорларда фойда олишни таъминлашга ёрдам беради. Шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий ва ички инвестицияларни янада жозибадор қила-

диган яхши сиёсат ва яхши бошқарувга содиқликдан далолат беради.

Ҳар қандай давлат ёки божхона ҳудуди ЖСТга аъзо бўлишда мавжуд аъзо давлатлар билан аъзолик шартларини келишиб олишлари зарур. Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, узоқ танаффусдан сўнг Ўзбекистон 2019 йилда ЖСТга қўшилиш жараёнини қайта бошлади. Жорий йилнинг март ойида Женевада ушбу жараён бўйича ишчи гуруҳнинг олтинчи йиғилиши бўлиб ўтганди. Ишчи гуруҳ товарлар ва хизматлар бозорига кириш бўйича икки томонлама музокаралар натижаларини кўриб чиқди. Ўзбекистон қонунчилигидаги ўзгаришларни баҳолади ва ушбу қўшилиш жараёнидаги кейинги қадамларни таҳлил қилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон уч давлат билан музокараларни деярли яқунлаш ва 31 та давлат билан фаол музокаралар олиб бормоқда. Шунингдек, Жаҳон савдо ташкилотининг битимларидан келиб чиқиб, миллий қонунчиликни унга уйғунлаштириш, тартиб ва стандартларни халқаро талабларга мослаштириш бўйича тизимли ишлар амалга ошириляпти. Халқаро бозорга кириш бўйича икки томонлама мажбуриятларни синхронлаштириш жараёнида миллий иқтисодиётимизнинг барқарор ва изчил ўсишини таъминлайдиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар мутаносиблигига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳақли савол туғилиши табиий: ЖСТга аъзо давлатлар билан олиб бориладиган музокаралар нима учун керак? Жараёнда ариза ва алоҳида давлатлар ўртасида параллел икки томонлама музокаралар жуда муҳим. Чунки ҳар бир давлат турли хил савдо манфаатларига эга. Музокаралар жараёнида тариф ставкаларидан бозорга киришнинг ўзига хос мажбуриятлари ҳамда товарлар ва хизматлар соҳаси муҳокама қилинади.

Музокаралар вақт талаб этади. Чунки ЖСТ аъзолари Ўзбекистондан маълум секторларга ёки алоҳида ишлаб чиқарувчиларга ёрдам бериш учун қўлланадиган кўплаб чораларни бекор қилишни кутушади. Шу билан бирга, Ўзбекистон ўзининг миллий манфаатларига тўғри келмайдиган ЖСТ қоидалари ва кодекслардан озод қилиниши бўйича музокаралар олиб бориш имкониятидан фойдаланади. Бу аъзолик ислох қилинган иқтисодиётга фойда келтириши инобатга олинса, музокаралар жараёнида мақбул ечимларга эришилади.

Халқаро таҳлилчиларнинг эътирофида, Президент Шавкат Мирзиёев қўшилган билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни кучайтириш ва халқаро иқтисодий муносабатларни яхшилаш йўлида собитқадам. Бу эса бошланган катта ишларнинг самарали яқунланиши учун умид



Нодир ЖУМАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасининг Саноат, қурилиш ва
савдо масалалари қўмитаси раиси,
иқтисод фанлари доктори,
профессор

бағишлайди. Эсланг, 2017 йил сентябрь ойида валюта бозори либераллаштирилди. Бу қайта тикланган ЖСТга аъзолик аризасининг муваффақиятли бўлишида муҳим қадам.

Ўзбекистон барча масалаларни ўзаро тушуниш ва ҳурмат руҳида муҳокама қилиш учун очик, конструктив мулоқот тақлиф қилиб келаётгани музокараларда алоҳида эътироф этиляпти. Аъзо давлатлар давлатимизнинг бу ташкилотга аъзо бўлиши учун устувор аҳамият бериш ва бу жараёни тезлаштириш бўйича мажбуриятини юқори баҳоламоқда. Шу билан бирга, улар аъзо бўлиш бўйича музокараларда аниқ муддатларга эмас, балки мазмун-моҳиятга эътибор қаратишни маъқулламоқдалар.

Хулоса қилиб айтганда, ташқи савдода тайёр маҳсулот экспортини кўпайтириш орқали мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини ошириш ва халқимиз турмуш фаровонлигини яхшилашда Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш янада кенг имкониятлар эшигини очди. Дунёнинг бошқа давлатлари билан иқтисодий алоқаларни янада яхшилаш, товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, бозор муносабатларига ўтиш жараёнини тезлаштиришга туртки беради.

ТАНИШИНГ: "ИШБИЛАРМОН АЁЛ – 2023" ҒОЛИБЛАРИ!

АЁЛ БАХТЛИ БЎЛСА – ОИЛА БАХТЛИ БЎЛАДИ

ОИЛА БАХТЛИ БЎЛСА – ЖАМИЯТ БАХТЛИ БЎЛАДИ

Зукко ўқувчиларимизга аёнки, газетамиз саҳифаларида O'zLiDePнинг истиқбол-ли лойиҳаларидан бири саналган "Ишбилармон аёл – 2023" кўрик-танлови ғолиблара ҳаёти ва фаолияти ҳақида туркум мақолалар эълон қилинмоқда.

Аёлларнинг жамиятдаги мавқеини кўтариш, уларнинг рақамли иқтисодиётни ривожлантиришига оид малакаларини оширишига кўмаклашиши, хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишида долзарб ўринга эга ушбу партиявий лойиҳанинг навбатдаги ғолиб иштирокчилари фикрлари билан танишинг.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Азиза ЮСУПОВА,
"AZALIUM" хусусий
корхонаси раҳбари,
"Ишбилармон аёл – 2023"
кўрик-танловининг ҳудудий
босқичи ғолиби

– Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан амалга оширилаётган мазкур кўрик-танловда оддий меҳнатимни юксак баҳолаб, хотин-қизлар учун кўшимча ишчи ўрни яратиб олган, экспортга йўналтирилган ёки импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришга асосланган, ўз фаолиятида учраётган муаммолар, ғов ва тўсиқларни оқилона тарзда бартараф этган, билим ва тажрибасини амалда қўллашга қодир ишбилармон аёллар сафида ғолибликка муносиб кўрилганимдан, розини айтмай, астойдил қувондим.

Бундай эътирофни мамлакатимизда хотин-қизларга бўлган эътибор ҳар қачонгидан юксак эканининг яққол намунаси, деб биламан. Шундай танловлар тadbirkorлик сари дадил қадам ташлаётган кўплаб опа-сингилларимизнинг кашф этилишига ва улarga кучли мотивация бағишланишига ишонаман.

"AZALIUM" хусусий корхонаси 2003 йил 28 октябрда ташкил этилган. Ишлаб чиқариш фаолиятимизни эса 2004 йилнинг июнь ойидан бошлаганмиз.

Корхонамиздаги технологик жараёнлар бир неча босқичларни ўз ичига олади. Жумладан, трикотаж матоларни кесиш, маҳсулотни бичиш, тозалаш, иссиқлик билан ишлов бериш ва қадоқлаш ишлари кетма-кет бажарилади. Дастлаб 7 та тикув ма-



шинаси билан ишга киришган бўлса, ҳозирда технологик жиҳозлар сон 130 тани ташкил этади. Шулардан 80 таси тикув машиналаридан иборат. 2011 йилда корхонанинг мулкчилик шакли масъулияти чекланган жамиятга ўзгартирилди.

Айни пайтда мамлакатимизда экспортбон кийим-кечак ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича барқарор тенденция кузатилаётганда. Шунга кўра, ҳам ички, ҳам ташқи бозорда ўз ўрнини топиш учун тинмай изланяпмиз. Ташқи бозорда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар аҳоли эҳтиёжини қондиришга йўналтирилиши зарурлиги баробарида чет эл талабларига мослашининг аҳамияти муҳимлигини кўрсатмоқда. Асосий

мақсадимиз – бозорни юз фоиз пахта толасидан тайёрланган юқори сифатли маҳсулотлар билан тўлдирish.

"AZALIUM" МЧЖ Ўзбекистондаги кичик бизнес тармоғининг вакили бўлиб, бугунги кунда 217 нафар ходим, жумладан, 100 нафар тикувчи меҳнат қилмоқда. Жорий йилда сотиш ҳажми ўтган йилга нисбатан 83 фоизга, шу жумладан, маҳсулот экспорт йил давомида 70 фоизга ошди.

Бу каби ютуқларга эришишимизда, тadbirkorларни яқиндан қўллаб турган давлатимиз раҳбаридан, елкадошлик ва маслакдошлик қилаётган O'zLiDeP мутасаддиларидан миннатдоримиз. Модомики, давлатимиз равақ топиши йўлида ҳеч қачон изланиш ва интилишдан тўхтамаймиз.

САМАРҚАНД



Тавсия ХАЙРУЛЛАЕВА,
Тойлоқ туманидаги
"Анвар Азиза Инвест"
фермер хўжалиги раҳбари,
"Ишбилармон аёл – 2023"
кўрик-танловининг ҳудудий
босқичи ғолиби

– Аёлни эъзозлаш ва унга эҳтиром кўрсатиш халқимизга хос олижаноб қадрият ҳисобланади. Ўртимизда хотин-қизларга юксак ҳурмат, доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келинаётганим, бу борадаги тизимли ишлар давлат сиёсати даражасига кўтарилгани ҳам бежиз эмас.

Аёл бугун нафақат она ёки оқи-

ла оила бекаси, балки у ўқитувчи, шифокор, тadbirkor, фермер. Бир сўз билан айтганда, у билан жамият гўзал, ҳаёт чароғон.

O'zLiDeP томонидан ташкил этиб келинаётган "Ишбилармон аёл – 2023" кўрик-танлови партиянинг сайловолди платформасида белги-ланган вазифалар ижросини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий секторнинг ривожланишида фаол иштирок этаётган шижоатли, ташаббускор тadbirkor ва фермер хотин-қизларни қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мустақил юртимизда фермерлик ҳаракати кенг оммалашгани натижасида 2010 йилда 20 гектар майдонда "Анвар Азиза Инвест" фермер

хўжалигига асос солганмиз. Аввал ғалла ва пахта етиштирилган бўлса, кейинчалик узумчилик, боғдорчилик фаолияти ташкил этилди. Ишчилар сон 31 нафарни ташкил этади. Уларнинг аксарияти шу маҳаллада истиқомат қилаётган хотин-қизлардан иборат.

Биз бўшаган ерларга иккинчи экин экиш учун тумандаги Беклар ва Хончорбоғ маҳалларидаги кам таъминланган аёллардан 50 нафардан ортиғига 0,30 сотихдан ер ажратиб бериб, экиндан даромад олишларига бош бўлмоқдамиз. Ишчи маҳалла-дошларимиз бандлигини таъминлаш мақсадида узум етиштириш сирасорларини йигит-қизларга ўргатяпмиз.



БИРЛАШГАН БАРИБИР ЎЗАДИ

ЁХУД ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР КАСАБА УОШМАЛАРИ ТАШКИЛОТИНИНГ САМАРҚАНД АНЖУМАНИ ҲАҚИДА АЙРИМ ҚАЙДЛАР

Кўҳна шаҳардаги "Буюк Ипак йўли" туризм марказида ўтказилган Туркий давлатлар касаба уюшмалари ташкилотининг таъсис йиғилишида Ўзбекистон, Туркия, Озарбойжон, Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари касаба уюшмалари раҳбарлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, мамлакатимизнинг таниқли сиёсатчи ва зиёлилари, Самарқанд вилоятининг жамоатчилик ва илм-фан намояндalари, шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг аъзо ташкилотлари ҳамда ҳудудий кенгашлари раҳбарлари иштирок этди.

тўғрисида келишувга эришилган, хусусан, тузил-манинг инсонийлик тамойилларини юқори чўққиларга кўтарилган, меҳнатдаги мувозанатга кафил бўлувчи вазифалари белгиланган. Шу тариқа меҳнат муносабатларида мўътадиллик, меҳнат-кашларнинг ижтимоий, меҳнат, касбий, иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳаракатларни бирлаштиришдек жараёнлар қамраб олинган бўлди.

Мазкур ташкилотнинг тузилиши туркий дав-латлар касаба уюшмаларининг меҳнат ва ижтимоий ҳимоя жабҳасида бирлашиши учун муштақкам замин яратди. У турли мафкура ва сиёсатдан хо-ли экани, том маънода иқтисодий, ижтимоий, ма-даний халқаро институт мақомига мутаносиблиги билан ажралиб туради.

Янги бирлашма ўз йўналишларини аниқ бел-



Нуфузли тadbirkorни Ўзбекистон касаба уюш-малари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов кириш сўзи билан очди.

Ўтган йили Самарқандда бўлиб ўтган Тур-кий давлатлар ташкилоти саммитига ҳамроҳанг руҳда ташкил этилган йиғилишда дастлаб қар-дош халқларнинг ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўзда акс эттирган видеоролик намойиш этилди. Тарихимиз, тилимиз, дилимиз бирлигини акс эт-тирган видеоролик иштирокчилар томонидан зўр қизиқиш ва ҳаяжон билан қўлиб олинди, бу ул-арнинг руҳиятида, юз-кўзида яққол намойён бўлди.

Туркий давлатлар ташкилоти аъзо мам-лакатлар касаба уюшмалари саъй-ҳаракатларини умумлаштириш, яъни Туркий давлатлар касаба уюшмалари ташкилотини таъсис этишда ҳам ана шундай эзгу мақсад муҳассамдир.

– Биз бир муддат илгари қардош Озарбой-жон диёрининг тарихий Шуша шаҳрида сиёсатдан мутлақо холи, иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларга асосланган келишувга эришгандик, – дейди Туркия касаба уюшмалари Конфедерацияси "TÜRK-İŞ" президенти Эргун АТЛАЙ. – Бу-гун гўзал ва бетакрор Самарқанд шаҳрида Туркий давлатлар касаба уюшмалари ташкилоти тузили-шида қатнашдик. Муаззам замин – Самарқанд-да бўлганимдан, тарихий воқеалар жараёнида иштирок этаётганимдан беҳад мамнунман. Айтиб ўтишим жоизки, бугун Ер юзининг барча меҳнат нукталарида муносиб шароит яратилишига кучли эҳтиёж сезилмоқда. Хусусан, бу борада жамоат-чилик назоратининг аҳамияти нақадар долзарб бўлаётганини кўриб турибмиз. Бизнинг ташкило-тимиз 18 миллиондан ортиқ меҳнаткашлар ман-фаатларини ҳимоя қилади. Албатта, бу жараёнда қўшларимиз, қардошларимиз тажрибаси яна-да кўл келиши табиий. Балки, улар учун бизнинг тажрибаларимиз асқотиши мумкин. Демак, энди-ликда фаолиятимизни мукамаллаштириш, илғор тажрибаларимизни оммалаштириш учун катта майдон ва ҳамкорлар пайдо бўлди. Бу Туркий дав-латлар касаба уюшмалари ташкилотидир.

Туркий давлатлар касаба уюшмалари ташки-лоти халқларимиз ўртасидаги қадимий ришталар-ни янада муштақкамлаб, халқаро майдонда ўз ну-фузига эга бўлишига интилади. Натijaда умумий тил, ўзаро бирлик ва ҳамжиҳатлик асосида шакл-ланаётган муносабатларнинг минтақавий аҳамия-ти сезиларли даражада ривожланади. Айтиш мум-кинки, ушбу анжуман ўзаро биродарлик, тарихий ўзлик ва ҳамкорликка бўлган ана шундай эҳтиёж-ларга тўла мос тўшади.

Яқинда Озарбойжоннинг маданий пойтахти Шуша шаҳрида Қозоғистон, Озарбойжон, Туркия ва Ўзбекистон миллий касаба уюшма марказлари ўртасида янги, ягона, бирлашган тузилма – Туркий давлатлар касаба уюшмалари ташкилотини тузиш

гилаб олдики, бу жараёнда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳам сезиларли ўрни ва таъсири бор. Самарқандда, касаба уюшмалари тарихида юз берган эврилиш эса фикримизнинг яққол далилидир.

Этномаданий характер касб этаётган фаоли-ятда ўзаро алоқаларнинг юксак тимсолини кўриш мумкин. Мамлакатлараро касаба уюшмаларининг дўстона алоқаларини янада муштақкамлаш ва асо-сий вазифаларни амалга оширишда тажриба ал-лашлар, ютуқларни ўрганиш ва амалиётга жо-рий этиш шулар жумласидандир.

Конструктив ва дўстона руҳда ўтган тadbir-да Туркий давлатлар касаба уюшмалари ҳамкор-лигининг барча жаҳдаларида интеграциялашуви қардош халқлар манфаатларига мос келиши таъ-кидланди. Ўз навбатида, бандлигини таъминлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами муҳофазаси, хотин-қизлар, ёшларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, муносиб меҳнат шароитларини яратиш, миллий ва халқаро меҳнат стандартларини ҳаётга татбиқ этиш, ишловчилар маънавий камолотини таъминлаш, янгилашган таъ-лим фояларини илгари суриш, кадрлар малакаси-ни ошириш, ихтисослашган ўқув муассасаларида касаба уюшмалари ходимларини тайёрлаш ва қай-та тайёрлашдек устувор вазифаларни бажаришда ҳамжиҳат ишлаш юзасидан келишиб олинди. Шу-нингдек, ҳамкор касаба уюшмаларининг Шушада-ги учрашувида маъқулланган ва келишиб олин-ган Туркий давлатлар ташкилотини таъсис этиш тўғрисидаги таклиф бир овоздан маъқулланди. Шундан сўнг ташкилот устави лойиҳаси кўпчилик овоз билан асос сифатида қабул қилинди ва кен-гаш тарихи тасдиқланди.

Озарбойжон касаба уюшмалари Конфедерацияси раиси Саттор Меҳбабиев Ўзбекистон ка-саба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратил-ла Рафиқов номзодини Туркий давлатлар касаба уюшмалари ташкилоти Президентлигига таклиф этди. Очик овоз бериш йўли билан Қудратилла Ра-фиқов Туркий давлатлар касаба уюшмалари таш-килоти президенти этиб сайланди. Озарбойжон касаба уюшмалари Конфедерацияси раиси Саттор Меҳбабиев номзоди эса ташкилотнинг вице-пре-зидентлигига бир овоздан маъқулланди.

Шунингдек, таъсис йиғилишида ташкилот-нинг бош қотиби ҳамда беш кишидан иборат назо-рат-тафтиш комиссияси аъзоларини ҳам сайлаш-ди.

Ташкилотнинг доимий фаолият юритадиган қароргоҳи, яъни штаб квартирасини Туркиянинг Анқара шаҳрида жойлаштириш маъқул кўрилди ва ташкилотнинг биринчи съездини жорий йилнинг 29 ноябр куни Анқара шаҳрида ўтказиш юзасидан келишиб олинди.

Райимқул СУЯРОВ тайёрлади.



ЭЛПАРВАРЛИК

ри Сирожиддин Қаршиев. – Ҳамон эсимда, 1994 йили бизга ер ажратишганда ота-онанинг кўзларидан қувонч ва ғурур порлаганди. Ўйинқароқ укаларим эса менинг ортимдан чанқоқлик билан эргашиб, нима иш буюрсам, югуриб-елиб бажариши жуда катта руҳий қувват бағишлаганди. Уша йили ерга ишлов бериш харажатлари учун рўзғордаги бор-будимизни сотганмиз. Фақат ётса туролмайдиган қари биямиз қолганди, холос. Отам бўшаб қолган оғилхонадан чиқиб келиб, ҳаммамизни ёнига йиғди-да, “Бу ёғи Худойимга таваккал, ортага чекинманглар, бирлашиб меҳнатни қилаверинглар, мукофотини кўрасизлар” деди. Падали бузрукворимнинг шу ўғити нафақат бизнесда, ҳаётимизда ҳам дастуриламал бўлди. Энг қизиги, ўша йили қаттиқ курғоқчилик туфайли ҳосилга барака кирмади. Кўпчилик майда фермерлар ерларини ташлаб кетди, айримлар бизга “Еримни ол” деб келди. Биз йўқ демадик, ердан юз бурмадик, қонуний тарзда экин майдонларимизни кенгайтирдик. Зотан, йиқилган одам ўрнидан туришни билиши керак, деган қатъий фикрда эдик. Эзгу ниятнинг ярим давлатлигини қарангки, кейинги йили қутилганидан икки-уч ҳисса зиёд ҳосил тўлаганимиздан оёққа туриб олдик...

Сирожиддин Қаршиевнинг мулоҳазаларини тинглаб экансиз, уни тадбиркор эмас, ҳикоянавис-ижодкор сифатида тасаввур қиласиз. Воқеаларни қоғоздан ўқиётгандек бир маромда сўзлайди. Шунинг учунми, унинг фикрларини бўлгимиз келмасди.

– Бу гапларим кимгадир ғалати ёки баландпарвоз туюлар, лекин шундай бўлса-да, кўнглимдагиларни айтгим келяпти, – дейди қаҳрамонимиз чуқур нафас олиб. – Биз оиламиз билан катта даромад олиб, бойиб кетишни кўзламадик. Аксинча, қишлоқ шароитида элга нафимиз тегишини, одамлар янада яшироқ яшашига ҳиссамизни кўшишни ўйладик.

Ҳозир мулкдор ихтиёрида минг гектарга яқин лалми майдон бўлиб, 400 гетари яй-

лов, бўлиб, 500 гектардан ортиқроқ ерда эса уруғлик учун сара ғалла етиштиряпти. Бир томонда икки минг бошдан зиёд қўйдан иборат чорвачилик, йирик шохли моллардан тортиб, туяларгача боқилаётган катта хўжаликни укалари урдалаб келяпти. Машаққатли меҳнат ортидан етиштирилаётган сифатли гўшт маҳсулотлари эса халқимиз дастурхони тўкин бўлишига хизмат қилмоқда.

– Президентимизнинг чўлларда яшил майдон ҳосил қилиш кераклиги ҳақидаги таклифлари янги режаларимизга қанот бўлди, – дейди тадбиркор суҳбатимиз давомида. – Шу боисдан жорий йил Туркиянинг “АФКО” фирмасидан ёмғирлатиб суғориш технологиясини олиб келдик. Яқинда ундан фойдаланиб, майдонимизнинг бир қисмини суғорган эдик, ишонсангиз, ўша жойлар йигирма беш сантиметр чуқурликкача нам олди. Бу жуда қувонарли натижа. Энди чўл бағрида ҳам бемалол кўк беда экиб, чорвани боқа оламиз. Биласизми, 50 гектар майдонга беда экиб, йилига 5 марта ўриб-ийғасак, чорва молларимизга тўлиқ озуқа бўлади. Бу эса ҳар йилгидан 1,5 тонна кўпроқ гўшт етиштириш мумкин дегани-да. Ҳозирда мазкур технологиядан яна битта сотиб олиш харақатидаммиз. Бу нафақат чўлни яшилликка буркайди, балки гўшт миқдори ва сифатининг кескин ошишига, иккинчи экин экишга ҳам имкон яратлади.

Дарҳақиқат, нурободлик тадбиркорнинг бугунги кунда эришган ютуқлари катта шаҳарларда яшаётган одамлар ҳам ҳавас қилса арзийдиган даражага етган. Бир томонда фермерлик, чорвачилик, йилқичилик, қўйингки, бариди яши. Шу билан биргаллик, Нуробод туманида жойлашган “Нурли Замин” МЧЖ санаторийси ҳам бир неча йиллардан бери аҳолини соғломлаштиришда беминнат хизмат кўрсатиб келмоқда. Тиббиётдан хабардор тадбиркор бу борада ҳам замонавий технологиялар харид қилиш, мутахассисларни жалб қилишда қийналмади. Турли ғояларни ўйлаб

юришга ва уларни амалга оширишга одатлангани бу масканнинг айрим хоналарида ғаройиб, яъни ўрмон табиати манзарасини яратишга туртки бўлди. Эътиборлиси, замонавий талабларга тўла жавоб берадиган бу санаторийга барча вилоятлар ва қўшни Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, ҳатто Туркиядан ҳам мижозлар келишмоқда.

– Хорижга сафар қилсам, дарров она қишлоғимни, унинг бепоён далаларини соғинаман, – дейди Сирожиддин Қаршиев. – Четда кўрганларимни ўзимизда қуришга интиламан. Техникаларимиз бўлса бор. Барча шароитларга эга икки-уч қаватли уйлар курсак, бизнинг ҳам одамларимиз роҳатланиб яшарди. Яқинда ҳамқишлоқларимга шу ниятимни айтгандим, қариялар “Қур, болам, қур!” дейишди. Кўп қаватли уйларнинг ёнидан болалар боғчалари, чойхоналар қурилса, қарабизки, қишлоғимиз дашт бағридаги сўлим шаҳарчага айланади. Доно халқимизнинг “Қовун қовундан ранг олади” қабилидаги мақоллари бежиз эмас. Одамлар яшаш сирини англаётгандек, назаримда. Яхши яшашга интиляпти ва албатта, бунинг ортида меҳнат борлигини билишяпти.

Айтганча, жорий йилда Президентимиз фармонида кўра “Фаол тадбиркор” кўкрак нишонини билан тақдирланганлар орасида Нуробод туманидан Сирожиддин Қаршиев ҳам бор эди. У билан суҳбатимиз давомида халқ учун қилаётган анча-мунча савоб амалларига ўша жойнинг ўзида гувоҳ бўлдик. Қишлоқдаги мактаб ўқувчиларига китоблар совға қилаётгани борми, қурилаётган масжидга бош-қош бўлаётгани борми, контрактда ўқиётганларга имкон қадар кўмакчи бўлаётгани борми – ҳаммасини жамлаб, “Киройи элпарвар шундай бўлса”, дегимиз келди...

Мухаббат РАВШАНОВА,
“XXI asr” мухбири

КЎПЧИЛИК ТАДБИРКОРЛИКНИ БОШЛАБ ОЛИШ УЧУН КАТТАГИ-НА МАБЛАҒ ТИКИШ КЕРАК, ДЕБ ЎЙЛАЙДИ. ЛЕКИН НУРОБОДЛИК ИШБИЛАРМОН, БИР НЕЧТА ХУСУСИЙ ҚОРХОНАЛАР РАҲБАРИ СИРОЖИДДИН ҚАРШИЕВ-НИНГ БИЗНЕС СОҶАСИДА БОСИБ ЎТГАН ЙЎЛИ БУТУНЛАЙ БОШҚАЧА ХУЛОСАЛАРГА ТАЯНАДИ.

Асли касби фармацевт бўлган бу йигит истиқлолнинг илк йилларида фермерликка меҳр қўйди. Нафақат ўзи, балки бутун оила-

сини мулкдор бўлишга чорлади. Ота-онаси ҳамда олти нафар укаси билан бир ёқадан бош чиқаришга интилди. Тўғри, бошида сал қийин бўлди, айрим ташкилий масалаларни ечиш мурракаблик туғдирди. Негаки, улар ариқларида сув шарқираб оқаётган, боғ-роғларида мева пишаётган манзилларда эмас, яланг чўлдаги Олга қишлоғида яшарди. Бийдай чўлнинг 10 гектарини обод қилиб, ишлов берилган майдонда деҳқончиликдан ҳосил олиш осон кечмади, албатта.

– Фермерликка кириб келган дамларни эсласам, ўзим ҳам ишонгим келмайди шунча жараёндан ўтганимизга, – дейди “Espero, KSE” МЧЖ ва яна қатор қорхоналар раҳба-

ТАБРИКЛАР

Самарқанд вилояти Самарқанд туманида фаолият кўрсатаётган

“AGROMIR”

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

муҳтарам устозлар, қадрли муаллимларни умумхалқ байрами – **Ўқитувчи ва мураббийлар кун** билан самимий қутлаб, кўнглимиздаги энг эзгу ниятларимизни сизларга йўллаймиз.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, фарзандларимиз мактабдан қанчалик билимли бўлиб чиқса, юқори технологияларга асосланган иқтисодиёт тармоқлари ҳам шунча тез ривожланади,

кўплаб ижтимоий муаммоларни ечиш имкони туғилади. Дарҳақиқат, ёш авлод тақдири, юрт, миллат келажаги айнан сизларнинг фидойилигигиз тимсолида акс этади. Ҳамиша эл ардоғида бўлинг, азиз устозлар!

AGROMIR.UZ

“ДЕҲҚОНОБОД КАЛИЙ ЗАВОДИ”

акциядорлик жамияти жамоаси

барчамиз учун азизу муқаррам бўлган устозларни 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кун муносабати билан самимий мубороқбод этади!

Маълумки, мамлакатимизда таълим соҳасини ривожлантириш биринчи галдаги устувор вазифа сифатида қайд этилгани ҳам бежиз эмас. Шундай экан, эртанги ёруғ келажагимизни ёритувчи ўчмас маёқ ҳам таълимдир.

Муҳтарам устозлар, машаққатли ва шарафли меҳнатингиз роҳатини, муносиб шогирдлар камолини кўриш насиб этсин!

Байрамингиз мубороқ бўлсин!

UZ-POTASH

Uzkiyosanoat

АКЦИЈАДОРЛИК ЖАМИЯТИ



ОЛИМНИНГ ТҮЙИ – ОЛАМНИНГ ТҮЙИ

Абу Райҳон Беруний даҳоси билан барча халқлар фахрланади

Буюк мутафаккир Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллиги муносабати билан мамлакатимизда халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтмоқда. “Абу Райҳон Беруний илмий меросининг жаҳон фани ривожигаги ўрни”га бағишланган анжуманнинг биринчи куни Қорақалпоғистондан бошланди.

Туркия, Ҳиндистон, Эрон, Озарбойжон, Тожикистон, Покистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия ва Афғонистондан таширф буюрган таниқли олимлар Нукус халқаро аэропортида тантанали кутиб олинди. Даставвал И.В.Савицкий номидаги санъат музейига саёҳат уюштирилди. Сўнгра Беруний туманига йўл олинди. Улуғ аллома шарафига ўрнатилган ҳайкал пойига гулчамбарлар қўйилди. Раъзий қабри зиёрат қилинди. Беруний тумани Маданият саройида асосий тадбир ўтказилди.

– Оламшумул кашфиётлари билан жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига бекиёс ҳисса қўшган буюк мутафаккир ва қомусий олим, илк Уйғониш даврининг ёрқин намоёнаси Абу Райҳон Берунийнинг илмий-маърифий меросини янада чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш мақсадида 2022 йил 25 август куни Ўзбекистон Президентининг “Буюк мутафаккир ва қомусий олим Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини халқаро миқёсда кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилиниши буюк аждодимизга чуқур эҳтиром сифатида тарихий қадам бўлди. Аждодларимиз томонидан қолдирилган юксак илмий-маънавий меросни ҳар томонлама тадқиқ қилиш Янги Ўзбекистоннинг ирфоний ва руҳий асосларини мустаҳкамлаш, янги тадқиқотлар ва илмий мактабларни яратиш ва ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади, – дея таъкидлади Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Минҳожиддин Мирзо.

Абу Райҳон Берунийнинг илм уммони нечоғлик поёнсиз эканини унинг улкан қомусий олим сифатида яратган асарлари яққол кўрсатиб турибди. Фалсафа илми билимдонни бир вақтнинг ўзида астроном, астролог, математик, геолог, географ, биолог, ўлкашунос, ўсимликшунос, маъданшунос, тарихчи, манбашунос, диншунос, адабиётшунос, жамиятшунос, мантиқшунос, илоҳиётчи ва шоир бўлган.

Манбаларга кўра, аллома 150 дан ортиқ асарда жамланган изланишлардан иборат илмий мерос қолдирган. Бугунга қадар унинг кўлөзма кўринишидаги 30 дан ортиқ китоби етиб келган, холос. “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Ҳиндистон”, “Сайдана”, “Астрономияга кириш”, “Масъуд қонуни”, “Геодезия”, “Жонни даволоччи кўёш китоби”, “Икки хил ҳаракатнинг зарурлиги ҳақида”, “Кўпайтириш асослари”, “Птолемей “Алмагест”нинг санскритчага таржимаси”, “Фойдали саволлар ва тўғри жавоблар”, “Фарғоний элементларига тузатишлар”, “Оқ кийимлилар ва карматлар ҳақида маълумотлар”, “Ал-Муқанна ҳақидаги маълумотлар таржимаси”, “Ибн Сино билан ёзишмалар” сингари асарлари жаҳон фани ва маданияти юксалишида улкан ҳисса бўлиб қўшилган. Хусусан, маъмур асарлар мусулмон Шарқ маданиятининг ривожланишига катта таъсир кўрсатди.

Олимнинг тўйи – оламнинг тўйи, деган нақл бежиз айтилмаган. Буюк мутафаккир Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллиги нафақат юртимизда, балки ЮНЕСКО шафелигида халқаро миқёсда ҳам кенг нишонланмоқда. ЮНЕСКО Ижроия кенгашининг 211-сессиясида буюк олим таваллуд санаси ташкилот шафелигида 2022-2023 йилларда кенг нишонланиши бўйича қарор қабул қилинди ва, ўз навбатида, халқаро юбилейлар рўйхатида киритилди.

Шу йилнинг 4–8 сентябрь кунлари Париж шаҳрида “Абу Райҳон Беруний. Географик ва интеллектуал саёҳатлар” халқаро кўргазмаси ўтказилди. Алломанинг илмий-маърифий меросини янада чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш мақсадида мамлакатимизда олим ҳаёти ва ижодига тааллуқли китоблар,

илмий нашрлар чоп этилди. Унинг асарларидан иборат тўпламлар тайёрланди. Меросини ўрганиш мақсадида халқаро миқёсда кенг кўламли илмий изла-



нишлар олиб бориларди ва уларнинг натижалари эълон қилинарди.

Анжуманда “Абу Райҳон Берунийнинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси”, “Абу Райҳон Беруний илмий меросида амалий фанларнинг ўрни”, “Абу Райҳон Беруний ва ижтимоий-гуманитар фанлар” каби йўналишларда маърузалар тингланди.

Аминмизки, кенг қамровдаги илмий изланишлар буюк мутафаккир илмий меросини янада чуқур ўрганиб, бугунги кунимизга татбиқ этишга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси масъул ходими, тарих фанлари доктори, профессор Абдухалил Маврулов таъбири билан айтганда, биз ҳозир буюк аждодимизнинг X аср олдин яратган асарлари билан ғурурланамиз. Хўш, XXV–XXX асрлардаги авлодларимиз бизнинг замонамизда яратилган қандай асарлар билан ғурурланади?

Иккинчи куни конференция Хоразм вилоятида давом этди. Маънавият ва маърифат марказига таширф буюрган меҳмонларга мутафаккир ҳаёти ва илмий фаолиятига оид саҳна кўриниши намойиш қилинди.

– Илмий фаолиятим давомида бир неча ўн йил-

Берунийнинг шуғулланган соҳасини санашдан кўра шуғулланмаган соҳасини санаш осонроқдир.
Игнатий Крачковский, академик

лар мобайнида Абу Райҳон Беруний асарларига тез-тез мурожаат қиламан. Бугун аллома туғилиб-ўсган юртга келганимдан жуда бахтиёрман. Университетда талабалар билан ойлар давомида Беруний ўқишларини ташкил этамиз, китобларида кўтарилган масалаларни ўрганиб муҳокама қиламиз. Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, Абу Райҳон Беруний дунё тан олган 10 олимнинг биридир. Унинг мавзуга қараши маълумот берувчи, тавсифловчи ва тушунтирувчи – чин маънода замонавий академик қарашдир. Ҳар бир асари фанлар тарихида янги уфқларни очгани бежиз эмас, – деди туркиялик олим Мустафа Демиржи.

– “Беруний” сўзи “ташқарида” деган маънони англатади. Яъни олим шаҳар ташқарисида туғилгани боис шундай тахаллус танлагани ҳақида ёзилади тарихий манбаларда. Эътиборлиси, Абу Райҳон Беруний бугун ҳеч бир миллат учун “ташқарида” эмас, унинг даҳоси билан ўзбек ҳам, ҳинд ҳам, умуман, бутун жаҳон, барча халқлар фахрланади. Аллома астрономия, математика ва география каби кўплаб соҳаларга бекиёс ҳисса қўшган ҳолда ислом цивилизациясининг таниқли полиматига айланди, –

муаси, Ислом цивилизацияси марказига ташриф буюрдилар.

– Ушбу халқаро конференцияни халқимизнинг жуда катта байрами дейиш мумкин. Дунёнинг кўплаб олимлари буюк аждодимиз илмий меросини шу қадар катта иштиёқ ва ҳурмат билан ўрганишганки, беихтиёр ғурурландим. Шахсан мен ҳам умримнинг асосий қисмини илмга бағишлаганман. Абу Райҳон Берунийнинг йирик илмий меросига чуқурлашганим сари ҳайратда қоламан. Буюк қомусий олим жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган. Айнан шу мазмундаги илмий мақолам билан анжуманда иштирок этяпман. Алломанинг 28 та ихтиросини изоҳлашга уринганман. Беруний тортишиш майдони назариясининг асосий ғоясини илгари сурди; геодезиянинг фан сифатида шаклланишига катта туртки берди; сферик тригонометрия формулаларидан фойдаланган ҳолда география ривожига бекиёс роль ўйнади – ер радиусини, экватор узунлигини ўта аниқлик билан ўлчади ва катта глобус яратди. Христофор Колумб ва Америго Веспуччидан кўп асрлар олдин уммон ортида куруқлик мавжудлигини, Таддей Беллингшаузен ва Михаил Лазаревдан анча илгари Антарктида материги борлигини илмий баёрат қилди... Анжумандаги маърузаларни тинглаб, Абу Райҳон Беруний даҳосининг ҳали ўрганилиши керак бўлган қирралари кўплигига гувоҳ бўлмоқдамиз.



деди ҳиндистонлик тадқиқотчи Ашраф Поннчетҳил.

Тадбирларнинг учинчи куни меҳмонлар пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларини айландилар. “Янги Ўзбекистон” мажмуасида халқимизнинг асрий ўтмиши мужассамлашган, Биринчи ва Иккинчи Ренессанс сиймолари акс этган монументни бориб кўрдилар. ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетига учрашувда қатнашдилар. Адиблар хиёбони, “Ҳазрати Имом” маж-

Мақоламиз якунида ҳиндистонлик олим эътирофини яна бир эслатиб ўтишни лозим топдик: Абу Райҳон Беруний бугун ҳеч бир миллат учун “ташқарида” эмас, унинг даҳоси билан ўзбек ҳам, ҳинд ҳам, умуман, бутун жаҳон, барча халқлар фахрланади.

Фаррух ЖАББОРОВ,
“XXI asr” махсус муҳбири

Тошкент–Нукус–Беруний–Урганч–Хива–Тошкент

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI –
O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир хайъати:
Ақтам ХАЙТОВ
Дилшод ШОУМАРОВ
Шухрат БАҒОЕВ
Мавлуда ХУҲАЕВА

Сирожиiddин САЙИДИ
Адҳам ШОДМОНОВ
Виктор ПАК
Насимжон АЛИМОВ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

Электрон почта:
xxi_asr@mail.ru
xxi_asr@mail.ru

Телефонлар:
қабулхона –
71 215-63-80
(тел./факс).

Обуна ва реклама бўлими –
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан
рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета офсет усулида, А-2 форматда
босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ.
Буюртма рақами: Г – 945
Адади: 9205
Баҳоиси келишилган нархда.
Топширилди – 20:10

Тахририятга келган кўлөзмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида
терилди ҳамда дизайнёр

Маъруфжон Раҳмонов
томонидан саҳифаланди.

ISSN 2181-497X



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
123456

Навбатчи муҳаррир:
Озод РАҲАБОВ